2012 йил 27 март, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (12.122)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



***Наврўз байрами шодиёналари давом этаётган бир пайтда мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташни бошлаган аскарлар республикамизнинг барча ҳудудларида тантанали равишда ҳарбий қасамёд қабул қилишмоқда.***

Ватанга хизмат — муқаддас бурч



Сарвар Ўрмонов,
Асқар Ёқубов (ЎзА) олган суратлар

## АСКАРЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

Пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» монументи олдида бўлиб ўтган ана шундай тадбирлардан бирида Тошкент гарнизонининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари Ватанга содиқ бўлишга қасамёд қилишди.

Ҳар бир йигит балоғат ёшига етиб, Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини ўташ учун армия сафига чақирилар экан, шу юрт тинчлиги, халқининг бунёдкорона меҳнати, нуроний отахонлар ва онахонлар фароғатию болаларнинг беғубор кулгуси ва нурли келажаги учун масъул эканини ҳис этади. Бизга азалдан қолган урф-одатдир — бу. Ҳарбий қасамёднинг ўзига хос жиҳатларидан бири – у миллий-маънавий анъаналаримизни ҳам ўзида жамлайди. Ҳарбий хизматчини миллатимизга хос энг яхши ахлоқий фазилатларни ўзида жам қилишга, софдил ва интизомли бўлишга ундайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вакили подполковник Ж. Аъзамов, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари О. Парпибоева, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф. Мухамматжанова ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари F. Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларга ўз эзгу ниятларини билдиришди, жасур ва мард ўғлонлар шаънига шеърлар ўқилди. Аскарлар қасамёд қабул қилиши муносабати билан билдирилган табриклар оналар кўзларидаги қувонч ёшларига сабаб бўлди, оталар қалбида фахр туйғусини уйғотди. Негаки, энди уларнинг кўз ўнгида кечаги ёш болалар эмас, балки том маънодаги Ватан ҳимоячилари турарди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***Хабар берилганидек, 2012 йил 24 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.***

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилишдан бошладилар. Мажлисда ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш юзасидан катта иш амалга оширилганлиги қайд этилди.

Прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан қонунларнинг ижро этилиши бўйича 26773 та текширув ўтказилди, текширишларнинг натижалари бўйича деярли 320 мингта прокурор назорати ҳужжати қўлланилди, 55 минг нафардан ортиқ фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланди.

Прокуратура органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш бўйича 5 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжати қўлланилди. Прокурор назорати ҳужжатлари билан 1639 та тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тармоқларда ва минтақалар бўйича ижро этиш юзасидан прокурор назорати тадбирлари мунтазам ўтказиб борилди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш вақтида сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятини, шунингдек, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор тавсия ва таклифлар баён этилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган давр мобайнидаги фаолиятини кўриб чиқар эканлар, сенаторлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган тадбирларнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тадбирлари бажарилишининг бориши устидан назоратни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш бўйича табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши натижасида ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариш 5,2 минг тоннадан кўпроқ миқдорда қисқартирилди, 61,18 мингта автомобиль газ ёқилғисига ўтказилди, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида кон ишларини олиб бориш натижасида бузилган 273,73 гектар рекультивация қилинган ерлар фойдаланишга қайтарилди. Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини жорий этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

(Давоми 2-бетда)

***Миллий иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун кенг имкониятлар яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида юртимизда эркин рақобат муҳитига асосланган бозор муносабатлари тобора равнақ топмоқда.***

Қонун ва ижро

## СОҒЛОМ РАҚОБАТ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. 2012 йил 6 январда Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мазкур қонун мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А.Ҳимматов монополияга қарши олиб борилаётган изчил сиёсат самарасида монополист корхоналар сони ҳам, монопол маҳсулотлар тури ҳам тобора қисқариб бораётганини таъкидлади. Охирги ўн йилда монополист корхоналар сони 75,2 фоизга, иқтисодиётнинг монополлашув индекси сўнгги уч йилда 20 фоизга камайгани бунинг тасдиғидир.

Юртимизда монополист ва табиий монопол корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда соғлом рақобат муҳитини таъминлашга доир қонунчилик асослари яратилган. 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, 1999 йил 19 августда имзоланган «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

«Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Унда соҳага оид барча муносабатлар қамраб олинди. Жумладан, монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солиш, шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормалар назарда тутилган.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши рақобат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, товарлар эркин олиб юрилиши учун тенг шароитларни, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлашга замин яратди. Бу товарлар ва хизматлар бозорларида рақобатни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Матбуот анжуманида журналистлар мазкур қонунни амалга ошириш юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Санъат ғунчалари» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи ниҳоясига етди.

✓ **НАВРЎЗ** байрами муносабати билан шаҳар мусиқа мактаблари ўртасида ўтказилаётган фестивалнинг навбатдаги, халқ чолғуларига бағишланган қисми **БУГУН** Чилонзор туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Халқаро Вестминстер университетида Маданият ҳафталиги бошланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Тасвирий санъат галереясида ҳайкалтарошлик санъати тарихи мавзусида очилган кўргазма «Шакллар ва қирралар» деб номланди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Бухоро шаҳридаги «Файз савдо дунёси» масъулияти чекланган жамиятида йилига 715 дона мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа амалга оширилди. — Бунинг учун 600 минг АҚШ долларилик банк кредити ҳамда ўз маблағимиз эвазига хориждан замонавий технологиялар харид қилдик, — дейди корхона мутасаддиси Лутфулла Саломов. — Бу эса мебель маҳсулотлари турини элликтадан ошириш имконини берди. Ўтган қисқа муддатда савдо тармоқларига 1 миллиард сўмликдан зиёд уй жиҳозлари чиқаришга эришдик. Кўҳна шаҳарда юқоридаги каби лойиҳаларнинг ҳаётга жорий этилиши туфайли ўтган йилнинг ўзида 300 та иш ўрни яратилди.**

**• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзархив» инфратузилмасида амалга оширилаётган ишлар, хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, тегишли идоралар вакиллари ва журналистлар иштирок этди.**

**• Тошкентда «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 2011 йилда банк кредитларидан фойдаланган хўжалик юритувчи кичик бизнес субъектлари сони 1,3 баробар кўпайгани қайд этилди. Ҳисобот даврида уларга 288,6 миллиард сўм ҳажмидаги кредитлар ажратилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Чукоткада 5,7 балли зилзила рўй берди. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар йўқ.**

**• Об-ҳавонинг кескин исиб кетиши оқибатида Канаданинг шарқий қисмида жойлашган Ғарбий ва Шимолий Нью-Брансвик дарёларида кучли муз кўчиши бошланди. Сув сатҳи кескин ошиб кетди ва сув тошқини содир бўлди. Натижада 12 та автомобиль йўлини сув ювиб кетди, улкан муз парчаси битта кўприкни шикастлади, маҳаллий касалхона ёпиб қўйилди.**

**• Камчатка ярим оролидаги Шивелуч вулқонидан катта микдордаги кукун ва лава отилиб чикди. Уларнинг баландлиги денгиз сатҳидан етти километр юқорига етди.**

**• Сомали денгиз қароқчилари Мальдив оролларининг иқтисодий ҳудудида Боливияда қайд этилган «Эглантин» кемасини 23 нафар экипаж аъзоси билан бирга қўлга олди.**

**• Забайкалье ўлкасидаги тайга ўрмонларида ёнғин бошланди. Беш гектар майдонда учта ўрмон ёнғини қайд этилди, улардан бири жиловланди. Ҳозирда 30 нафар ўт ўчирувчи ва 7 та техника воситаси олов билан кураш олиб бормокда.**

**• Мексика пойтахтида кеча «Pumas» ва «Tigres» футбол клублари ўртасида ўтказилган учрашув чоғида ишқибозлар ўртасидаги тўқнашувларни бартараф этиш пайтида ўнлаб полициячи жароҳатланди. Тўқнашувлар оқибатида 15 нафар полициячи касалхонага тушди, яна 60 нафари енгил жароҳатланди.**

Шаҳрим — фахрим

# АЗИМ ТОШКЕНТНИНГ ОЙДИН КЎЧАЛАРИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Ислом Каримов пойтахтда транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.***

Дарҳақиқат, кейинги йилларда шаҳарнинг кўркам иншоотлари, унга мос кўкаламзорлаштирилган хиёбонлари, бозорлар ва маҳаллаларни бир-бирига туташтирувчи шаҳар йўллари кенгайтирилиб, кўприк ва йўл ўтказгичлар қурилди. Фақатгина 2011 йилнинг ўзида Амир Темур, Алишер Навоий, Беруний, Шаҳрисабз ва бошқа ўнлаб кўчаларда кенг кўламли таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилгани бунинг ёрқин исботидир.

Мустақиллик йилларида пойтахтимиз қиёфаси бутунлай ўзгарди, замонавий меъморлик санъатининг юксак намуналари бўлган ўнлаб бинолар қад кўтарди. Тор кўчалар ўрнига кенг ва равон йўллар қурилди. Шаҳар гулга бурканиб, ўзгача чирой очиб, файз ва тароват касб этди.

Энди бинолар бир хил қолипдаги заҳ рангда эмас, тилларанг, яшил, ҳаворангда товланиб, барқ уриб турибди. Муҳташам иморатлар, равон йўллар, боғ-роғлар, йўловчилар узоғини яқин қилаётган кўприклару ер ости йўллари, майдонлар... Уларнинг ҳар бири ўзига хос замонавий ва миллий дизайнни уйғунлаштирган кўркам қиёфага эга.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Тошкентда илк кўчалар пайдо бўлганига икки минг йилдан ошган. Бундан 100 йил аввал шаҳарда 60 дан кўпроқ кўча бўлган экан. Бугун эса уларнинг сони 3,5 мингдан ортди.

Бир пайтлар француз ёзувчиси Жюль Верн ўз романида шундай жумлаларни ёзганди: «...Эски Тошкент – Туркистоннинг бошқа шаҳарлари сингари тор ва қинғир-қийшиқ жинкўчалар, дидсизлик билан қурилган пахса уйлар, кўримсиз бозорлар, офтобда қуритилган ва сомон деб аталувчи ғиштдан тикланган карвонсаройлардан иборат...». **Агар бу ёзувчи бугун Истиқлол нуридан чирой очган биргина азим Тошкентни, унинг ойдин ва равон кўчаларини кўрса, яна битта янги роман ёзган бўлар эди...**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Топономия комиссиясининг маълумотларига кўра, Истиқлол йилларида шаҳримизда энг узун кўча — 35 километрдан иборат Кичик ҳалқа йўли қурилди. Мазкур кўча Олмазор, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Яккасарой, Миробод, Чилонзор, Учтепа, Ҳамза туманларини ўзаро бирлаштиради. Шаҳар кенгайгани сари янги кўчалар ҳам кўпаймоқда. Мисол учун, ўтган йилда қурилган Шайхонтоҳур туманидаги Янги Жарариқ, Фаровон, Белтепа, Олмазор туманидаги Мойқўрғон, Кошона, Навқирон, Гўзал боғ кўчалари шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳридаги ички ва халқаро аҳамиятга молик йўллар жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирланди. Бугун Алишер Навоий, Ибн Сино, Абдулла Қодирий, Нукус, Паркент, Ўзбекистон, Фарғона йўли, Амир Темур, Бунёдкор, Афросиёб шоҳкўчалари кенг ва равонлиги билан дунёнинг йирик шаҳарлари кўчаларидан кам эмас. Улар бир-бири билан уйғун ҳолда бетакрор гўзаллик ва улуғворлик касб этади. Кўчаларга туташ бинолар, муҳташам меҳмонхоналар, гўзал хиёбонлар, замонавий дўконлар, бозорлар ва таълим-тарбия даргоҳлари, ажойиб фавворалар, кўркам хиёбону майдонлар ҳар бир киши эътиборини тортади.

Пойтахимиз кўчалари йўл-йўлакай 16 истироҳат боғи билан туташган. Улардан бири – Алишер Навоий номидаги Миллий боғ. Кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида бугун бу маскан юртдошларимиз фахрланадиган сўлим масканга айланди. Боғнинг ҳудуди 16 гектарга кенгайди. Кўл атрофи чиройли тошлар билан безатилди.

Мустақиллик майдони ҳам асфальт ва бетон ётқизилган йўллардан иборат эди. Ҳозир эса улар ўрнини ям-яшил майсазорлар, дарахтлар эгаллаган. Бош майдонимизга келган ҳар бир кишининг бахри дили очилади. Замонавий ва миллий дизайнга эга фавворалар майдонга узукка қўйилган кўздай ярашиб турибди. «Туркистон» саройи ёнида 1,3 гектарлик яшил ҳудуд барпо этилди. Марказий универсал дўкони ёнидаги тирбанд ва ўта ноқулай кўча ўрнида барпо этилган боғ ҳам аҳоли, айниқса, ёшлар ҳордиқ чиқарадиган гавжум ва хушманзара масканга айланди.

– Пойтахтимизни эсласам, қалбимда талабалик давримдаги энг яхши хотиралар уйғонади, – дейди хоразмлик тадбиркор Ражаббой Усенбоев. – Яқинда, орадан 20 йил ўтиб, курсдошлар учрашуви баҳонасида Тошкентга келдик. Шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Янги-янги муҳташам бинолар, равон йўл ва кўприклар қурилибди. Айниқса, шаҳар кўчаларида қисқа вақт ичида шунчалик ўзгаришни кўриб ҳайратландим.

«Шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» очиқ акциядорлик жамияти биргина 2011 йилда шаҳар кўчаларини таъмирлаш ва аэропортга кириш магистралларини реконструкция қилиб қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жорий йилда ҳам бир қатор йўл ва кўприклар қурилиши жадал давом этмоқда. Хусусан, Юнусобод туманидаги Боғишамол, Сергели туманидаги Қипчоқ, Чилонзор ва Учтепа туманларини бир-бирига боғловчи Лутфий кўчасида янгидан замонавий усулда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун жорий йилда катта миқдорда ажратилаётган маблағлар ҳам халқ фаровонлигининг асосий белгиларидан бири — равон автомагистраль йўллар, серфайз кўчалар қуриш ва шаҳарни ободонлаштиришга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин далилидир.

Кўчалар – шаҳарнинг катта-кичик «томирлари». Бугун энигаю бўйига кенгайиб, равонлашган Тошкент кўчалари мустақиллик йўл очган бунёдкорликдан яшнаб бораётган маҳалла, гузар, мавзе ва туманларни бирлаштиради.

Бугун «Эски шаҳар»ни айланган киши улкан янгиликлар – ободлик, фаровонлик, замонавий турмушга гувоҳ бўлади. Юртбошимиз ташаббуси билан «Эски шаҳар»ни ободонлаштириш борасидаги ишлар самарасида, бугун ушбу ҳудуд тамомила янги шаҳарга, пойтахтнинг энг гўзал мавзеларидан бирига айланди. Ҳозир Сағбон, Қорасарой кўчаларига йўли тушган одам уларни таниши қийин. Шоҳкўчаларда пиёдалар учун ҳам, шахсий ва жамоат транспортида юрувчилар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Фусункор кўча бўйига оилавий поликлиника, Болалар ижодиёти маркази, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, Миллий санъат маркази биноси ярашиб турибди.

Бир вақтлар Қорасаройнинг ўйдим-чуқур кўчаси бўйлаб Ҳазрати Имом мажмуасига ўтганингизгача толиқиб қолардингиз. Ҳозирда Юртбошимиз раҳнамолигида қадди ва қадри тикланган, янгиланган «Эски шаҳар»нинг кенг кўчаларини кезиб, чарчоқ сезмайсиз. Роҳатланасиз, ғурурланасиз.

Замонавий транспорт воситалари – трамвай, автобус, метро, енгил машиналар қатнови бир зум ҳам узилмайди. Кимдир ишу ўқишга шошилса, яна кимдир кўча айланиб, ҳордиқ чиқаради. Уларнинг нафақат шаклу шамойили, балки номидан ҳам озодлик ва миллий ғурур нафаси келиб туради: Буюк Турон, Ўзбекистон, Амир Темур, Бунёдкор, Афросиёб, Буюк Ипак йўли, Мирзо Бобур... Истиқлол халқимиз ҳамиша қалби тўрида сақлаган, қаттол тузум тарихдан ўчирмоқчи бўлган юзлаб табаррук номларни яна бизга қайтариб берди.

Қўйлиқ мавзесидан Трактор заводигача, Юнусободдан Чилонзоргача, Авиасозлик заводидан Талабалар шаҳарчасигача порлаган чироқлар нури Токио, Париж, Берлинга учаётган самолётлар ёғдусига уйғунлашиб, бутун Тошкентни ёритади.



– Олис сафарлардан юртимга қайтганимда, гўзал шаҳрим жамолида янгиликлар кашф этаман, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. – Ярим тун бўлса-да, Тошкент ҳамиша уйғоқ. Юлдузлар билан чароғон юксакликда туриб, унга қарайман. Азим шаҳар худди юлдузлар чақнаб турган зангори осмонни ерга ўрнатиб қўйгандек дурахшон кўринади. Кўнглим янада нурафшон бўлади, хотиржам ҳаётга минг шукрлар айтаман. Назаримда пойтахтимиз йўллари Ҳазрат бобомиз Навоийнинг текис ва равон байтларига ўхшайди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида шаҳарсозликда, аввало, ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос дарахт кўчатлари ўтказиш ҳам доимий эътиборда. Янги қурилаётган уй-жойларнинг сифати, яшаш учун қулай бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун шаҳар ҳамда шаҳар атрофига, саноат корхоналари яқинига эман, қарағай, япон сафораси, каштан каби манзарали кўчатлар экиш яхши анъанага айланган. Манзарали ва мевали дарахтлар атрофни яшилликка буркайди.

Тошкентда катта-кичик сойлар кўп. Бўзсув ирмоқлари бўлмиш Золариқ, Қорасув, Салор, Кайковус, Анҳор, Қичқириқ ва бошқалар оби ҳаёт шаҳридир. Анҳорбўйи, Соҳилбўйи деб аталувчи кўчаларимиздаги сўлим об-ҳаво ва манзарани бошқа жойдан топиш мушкул.

– Мана 10 йилдирки, шаҳрингиздаги тадбиркорлар билан ҳамкорлик қиламиз, шу туфайли иш юзасидан тез-тез Тошкентга келарканман, ҳар сафар бирор-бир ўзгаришга гувоҳ бўламан, – дейди Жанубий кореялик ишбилармон Кёнг Хан. – Пойтахтингиз йил сайин чирой очмоқда. Юртингиздаги кўчалару кўприклар шакл-шамойили ўзига хос. Навоий, Амир Темур кўчаларида сайр қилиш менга жуда ёқади. Юртингиз ободлиги меҳрли халқингизнинг бунёдкорлиги ифодасидир.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида пойтахт кўчаларини янада кенгайтириб, равонлаштириш мақсадида янги трамвай йўллари қурилиб, мавжудлари реконструкция қилинди. Тезюрар, шовқинсиз, энг сўнгги русумдаги замонавий трамвайлар ҳаракатига мослаб ётқизилган трамвай йўллари аҳолига беминнат хизмат қилаётир. Хусусан, Шота Руставели, Қушбеги ва Кичик ҳалқа йўли кўчаларида янги линия қурилиб, мавжудлари реконструкция қилинди ва «Салор» канали устида узунлиги 18,25 метрли кўприк қурилди. Натижада пиёдалар ўтиш жойлари кенгайиб, йўловчилар учун янада қулайлик яратилди. Трамвай йўлаклари четига эса 3 километрдан зиёд лоток ва тўсиқлар бежирим шаклда ўрнатилди.

**...Истиқлол нури билан чароғон, Юртбошимиз ташаббуси ва меҳридан обод, халқимиз ғайратидан гўзал қиёфа касб этган Тошкент кўчалари – аждодларимиз орзу-армонларининг ижобати, бунёдкор халқимизнинг эзгу интилишлари ифодасидир. Бу кўчалар бизни, Ўзбекистон халқини ўзимиз истаган, танлаган ва интилаётган ёруғ манзилга – обод ва фаровон ҳаётга олиб боради.**

**Зиёда ВОҲИДОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Айни вақтда 2012 йилда ва келгусида экологик хавфсизликни таъминлаш учун комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини талаб қиладиган айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам қайд этилди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Муҳокама жараёнида қайд этилганидек, ўтган йилда Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 2011 йилда 23 та давлат органи тизимида 39 та ўрганиш ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари бўйича ушбу органлар ишида қонун ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишига, норма ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини, давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни, шунингдек, давлат органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга услубий раҳбарликни таъминлашга қаратилган ишнинг самарадорлигини янада оширишга эътиборни кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Конституция нормаларига мувофиқ ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан белгиланган қоидаларни рўёбга чиқариш доирасида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари билан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мамлакат минтақаларида ижро этилиши тўғрисидаги масала юзасидан парламент эшитувини ҳам ўтказдилар. Мажлисда вазирлик томонидан бошқа манфаатдор идоралар, тармоқларнинг хўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликлар билан биргаликда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ҳамма йўналишлари бўйича тизимли иш амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди. Натижада Дастур 101,5 фоизга бажарилди. 970,9 мингта ёки назарда тутилганидан 14,6 мингтага кўп янги иш ўринлари ташкил этилди. Чунончи, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини ҳамда якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида 113,1 мингта янги иш ўрни (101,1 фоиз) ташкил этилди. Чорвачиликка, паррандачиликка, балиқчиликка, боғдорчиликка, мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш, шунингдек, иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш 126,6 мингта (103,4 фоиз) иш ўрни ташкил этилишига олиб келди. Коллежларнинг 430,3 минг нафар битирувчиси бандлигини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди, кўрилган чоралар натижасида 2011 йил охирига келиб 402,4 минг битирувчи ёки уларнинг 93,6 фоизи ишга жойлаштирилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини минтақаларда сўзсиз бажариш, шунингдек, ушбу масъулиятли вазифани ҳал қилишда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича қатор тавсияларни баён этдилар.

Барча тингланган ҳисоботлар ва тақдим этилган ахборот юзасидан Олий Мажлис Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни назарда тутадиган 21 та масала, шу жумладан 10 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Матбуот хизмати**

# АСКАРЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Ҳарбий хизматни ўтаган ҳар бир аскар ўз катъияти, шижоати ва уддабуронлиги билан бошқалардан ажралиб туради, – дейди ҳарбий қисмнинг тарбиявий ишлар бўйича взвод командири Акбар Ёрматов. – Энг муҳими, Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилган ёшлар ҳозирги кунда муҳим хислатлардан бири бўлган тартиб-интизомга одатланадилар. Келгусида, бундай ёшларимиз қаерда фаолият кўрсатмасин, ўзига билдирилган ишончни оқлаши аниқ.

Халқимиз эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида Ватанимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлашга маҳкам бел боғлаган жасур ўғлонларига доимо чуқур ҳурмат ва эҳтиром билдириб келган. Шерзод Абдураупов ҳам ўз орзусига етди, энди у Ватан посбони.

— Бугун мен учун энг унутилмас кун бўлди, – дейди Шерзод. – Ҳарбий хизмат биз қатори ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида чинакам ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди, десак муболаға бўлмайди. Ҳарбий қисмдаги офицерлар ва сержантларнинг бизга бераётган билимлари келгусида юртимиз тинчлигини сақлашда албатта асқотади.

— Ҳарбий қисмдаги шарт-шароит ва қулайликлардан мамнун бўлдим, – дейди Ватан олдида ўз бурчини ўташни бошлаган аскарлардан яна бири Дилмурод Музаффаров. Командирларимиз бизга ҳарбий аслаҳалар ва уларни ишлатиш сирларини ҳамда ҳарбий интизомга катъий риоя қилишни ўргатишди. Бу ерда йигитлик ғурурини, ўзимга бўлган ишончни ҳис этдим.

Мазкур тантана аскарлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда яқинлари хотирасида фахр, ғурур билан ёдга олинадиган муҳим воқеа сифатида муҳрланиб қолди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

# ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО САНОАТ ФОРУМИ

***Пойтахтдаги кўргазма савдо марказида 27-29 март кунлари «Uzbekistan Industrial forum — 2012» 3-халқаро саноат форуми ўтказилади.***

Форум Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзавтойўл», «Ўзкимёсаноат» ДАК, Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» ассоциацияси, Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмада металлургия ва металларга ишлов бериш, машинасозлик, тоғ-кон саноати учун технологиялар ва ускуналар, махсус техника, жиҳоз ва ускуналар, кимё саноати, пластмасса, саноат қурилиши каби йўналишларда маҳсулотлар намойиш этилади.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазма лойиҳалари ва янги ихтисослаштирилган кўргазмалардан ташкил топган «Uzbekistan Industrial forum—2012» халқаро саноат форуми республикамиз саноатининг асосий соҳаларини қамраб олиш имконини беради. Бу мутахассисларга ўз ишини комплекс мувофиқлаштириш ва ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга кўмаклашади. Мазкур тадбирнинг ўтказилиши, шубҳасиз, мамлакатимизнинг бутун саноат мажмуини такомиллаштириш ва модернизациялашга хизмат қилади.

Юртимизда яратилган қулай инвестициявий шароит кўплаб хорижий компанияларни жалб этмоқда. Жорий йилда форумда иштирок этувчи хорижий корхоналар сони сезиларли даражада ўсиб, экспонентлар сонининг 80 фоизини ташкил этади.

Мамлакатимизда машинасозлик ускуна ва жиҳозлари, кичик корхоналар учун машина ва агрегатлар, қишлоқ хўжалиги ва минерал хомашёни қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни тубдан кенгайтириш дастури амалга оширилмоқда. Унда оғир саноат, қишлоқ хўжалиги, кимё, ёқилғи-энергетика мажмуи, нефтгаз ва қазилмалар қазиб олиш, самолётсозлик, машинасозлик, электротехника индустрияси, шунингдек бошқа кўплаб соҳаларда маҳаллийлаштиришни кенгайтириш кўзда тутилган. Бу борадаги дастурий лойиҳаларни амалга ошираётган барча корхоналарга қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган.

Шунингдек кўргазма экспонентлари орасида Қирғизистоннинг Дизель комплект, Россиянинг Лама ёпиқ акциядорлик жамияти, Мцен коммаш заводи каби корхоналари бор. Кўргазманинг очиқ майдончасида маҳаллий автосаноатнинг йирик намояндаси — «JV MAN Auto — Uzbekistan» компанияси юк тижорат техникаларини намойиш этади. «Металлургия ва металларга ишлов бериш. Машинасозлик», «Тоғ-кон саноати учун технологиялар ва ускуналар» кўргазмаларининг ўтказилиши республикамизга юқори технологияли ускуналарни жалб этиш имконини беради, бу эса ўз ўрнида, маҳаллий саноат корхоналарида якуний маҳсулотлар сифатини ошириш ва ассортиментини кенгайтиришга олиб келади. Мазкур кўргазмалар машинасозлик соҳаси мутахассислари ва якуний истеъмолчиларнинг кенг доирасига ўз маҳсулотларини намойиш этиш учун маҳаллий корхоналарга ҳам яхши имконият бўлади.

Тоғ-кон саноати учун технологиялар ва ускуналар бўлимида энг йирик иштирокчилардан бири Қозоғистоннинг Солигорск технологик ускуналар заводи, «VIPEAK» тоғ-машинасозлик компанияси ҳисобланади. Анъанага кўра, ушбу соҳада юртимизнинг гигант корхонаси — Навоий тоғ-металлургия комбинати ҳам иштирок этади. Халқаро саноат форумида 50дан зиёд компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашади.

**Алиёр ОРИПОВ,**
**«Туркистон-пресс»**





Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар

***Миллий санъат марказида «Болажонлар — ширинтойлар» болалар мода фестивали бўлиб ўтди.***

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# БОЛАЛАР ЛИБОСЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда мамлакатимизнинг иқтидорли ёш дизайнер, модельер ва рассомлари болаларга аталган либослари тўпламлари билан иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури бу борадаги ибратли ишлар кўламини тобора кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятида ҳам ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга доир лойиҳалар муҳим ўрин тутади. «Келажак овози» республика кўрик-танлови, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга оид хайрия акциялари, турли концерт ва кўргазмалар шулар жумласидандир.

Анъанавий «Болажонлар – ширинтойлар» фестивали болалар либосларини яратиш бўйича изланаётган ёшларни аниқлаш, маҳаллий хомашёдан болалар, ўсмирлар ва бўлғуси оналар учун қулай кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга яқиндан кўмаклашиш имконини бермоқда. Айни пайтда фестиваль экологик талабларга жавоб берувчи, кўркам ва бежирим кийимлар моделларини яратишга хизмат қилмоқда. Мазкур ижодий лойиҳа янги номларни кашф этиш, ишлаб чиқарувчилар ва ижодкор дизайнерлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда, болалар модасида янги йўналишларни яратишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Бу йилги фестивалда юртимизнинг барча ҳудудларидан кўплаб дизайнер ва модельерлар ўз тўпламлари билан иштирок этмоқда. Миллий ва спорт кийимлари, фарзанд кўриш арафасидаги аёллар учун либослар, «авангард» услубидаги кийим-кечаклар, мактаб формаси шулар жумласидандир.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 3-курс талабаси Наргиза Ботированинг либослар тўплами «Иссиқ хонатлас» деб номланади. У ёрқин рангларга бойлиги, қулайлиги, ихчам ва бежиримлиги, маҳаллий матолардан тайёрлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

– Инсоннинг диди, кийиниш маданияти болаликдан шаклланади, – дейди Наргиза. – Эстетик дидни тўғри тарбиялашда кийиниш одобига доир кўникмаларни тўғри шакллантириш муҳим ўрин тутади. Мазкур тўпламни яратишда кичкинтойларнинг психологик-физиологик ҳолати, дунёқараши ва руҳияти, шу билан бирга, ўзига хос иқлим шароитимиз алоҳида инобатга олинган.

Фестивалда либос тўпламлари энг яхши деб топилган иштирокчиларга дипломлар топширилди.

**(ЎзА)**

## Кўргазмалар

# СУРАТДАГИ ҚЎШИҚЛАР

***Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида фоторассом, шоир, хонанда, саёҳатчи Александр Каменскийнинг «Менинг суратлардаги қўшиқларим» деб номланган шахсий фотокўргазмаси очилди.***



Кўргазма экспозициясида фоторассомнинг турли саёҳатларда яратган 70 дан ортиқ ранг-жилоларга бой меҳр билан олинган сеҳрли манзараларни, республикамизнинг тарихий шаҳарлари, меъморий ёдгорликларини кўрамиз.

А. Каменский олган суратлар Россия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Украина, Англия, Франция, Испания ва Германиядаги қатор кўргазмаларда, сайёҳлик ярмаркаларида намойиш этилган.

У «Етти тор», «Тошлар», «Айтилди-қилинди», «Қайтиш» номли шеърий тўпламлар, «Қалб чироғимни ёқаман» каби шеърлар аудио-тўплами, «Вертикаль» номли публицистик мақолалар тўплами муаллифидир. Ижодкорнинг ўз фотоматериаллари асосида яратган Ўзбекистонга бағишланган «Помирдан Тян-Шангача», «Фарғона водийси гулчамбари» фильмлари дунёни кўрган.

Шуни айтиш кераккки, кўргазмага келган санъат ихлосмандлари муаллифнинг дунёни ҳис қилишдаги уч ўлчамлилигини (шеърий, мусиқа, фото), қўшиқлари эса суратларга олинганлигини кўради.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа**
**Алексей Попов олган сурат**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР




## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига такроран Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. «ЗАЗ-968» русумли д/р 30I7458 бўлган 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 11.01.2011й, №16024/21. Бошланғич баҳоси – 201 870 сўм. 2. «АЛ-КАН-13» русумли д/р 19А722 бўлган 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.06.2009й, №6573/21. Бошланғич баҳоси – 1 321 560 сўм. 3. «Ваз-2109» русумли д/р 10W768BA бўлган 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.10.2011й, №21134/21. Бошланғич баҳоси – 6 403 500 сўм. 4. «Тико» русумли д/р 30N1167 бўлган 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.07.2011й, №13302/21. Бошланғич баҳоси – 6 615 000 сўм. 5. «ГАЗ-2401» русумли д/р 11F3897 бўлган 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.10.2010й, №12057/21. Бошланғич баҳоси – 885 060 сўм. 6. «Мерседес-Бенс-230» русумли д/р 10Т931АА бўлган 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.02.2011й, №2439/21. Бошланғич баҳоси – 7 315 515 сўм. 7. «ВАЗ 2106» русумли д/р 10C2321 бўлган 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.04.2011й, №5312/21. Бошланғич баҳоси – 2 680 425 сўм. 8. «BMW-316» русумли д/р 11Z5740 бўлган 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.08.2011й, №15694/21. Бошланғич баҳоси – 7 246 800 сўм. 9. «Москвич-2140» русумли д/р 30Q3517 бўлган 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.05.2010й, №7461/21. Бошланғич баҳоси – 759 405 сўм. 10. «Ваз-21150-120-20» русумли д/р 01P102CA бўлган 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.08.2011й, №15126/21. Бошланғич баҳоси – 10 855 906 сўм. 11. «Нексия» русумли д/р 01C613GA бўлган 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.07.2011й, №13297/21. Бошланғич баҳоси – 13 954 000 сўм. 12. «Нексия» русумли д/р X692BDN бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.07.2011й, №11979/21. Бошланғич баҳоси – 11 697 950 сўм. 13. «Матиз» русумли д/р 11U1574 бўлган 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.04.2011й, №5309/21. Бошланғич баҳоси – 5 788 583 сўм. 14. «Мерседес Бенц-S320» русумли д/р 055M349 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.07.2011й, №11374/21. Бошланғич баҳоси – 23 882 644 сўм. 15. Зангиота тумани Тинчлик маҳалласи, Наврўз кўчасида сақланаётган «МАЗ-35334» русумли д/р 30В1963 бўлган 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.09.2009й, №10880/11. Бошланғич баҳоси – 21 657 870 сўм.

Аукцион савдосига такроран Чилонзор тумани СИБ томонидан, 11.08.2011 йилдаги 1-9622-сонли ижро ҳужжатига асосан, Учтепа тумани 1-сонли жарима майдонида сақланаётган, «Матиз» русумли, д/р 01F0527AA бўлган, 2007 йил и/ч техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 15 212 700 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 17 апрель куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 апрель куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

**Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият.**

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автомототранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ

Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.


## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ҳеч нима одамларни манфаатдек бир-бирларига яқинлаштирмайди.**

* * *

**Эҳтирос бўрони ақл дарахтини илдизидан қўпориб ташлайди.**

* * *

**Инсоннинг кимлиги бошингга иш тушганда билинади.**

* * *

**Одамлар билан теппа-тенг юриш керак: олдинга ўтсанг ҳасад қилишади, орқада қолсанг мазах.**

* * *

**Ким қочмаса меҳнатдан,**
**Ўша лойиқ роҳатга.**

* * *

**Кўрганингдан гапир, эшитганингдан эмас.**

* * *

**Қўли қисқа тилига зўр беради.**

* * *

**Бир кунда қадрдон қилиб қўйган манфаат бир кунда бегона ҳам қилиб қўяди.**

* * *

**Ноҳақнинг овози баланд чиқади.**

* * *

**Ўз ўрнида қил арқондан кучли.**

* * *

**Уринсанг бири бўлмаса, бошқаси бўлади.**

* * *

**Қўли гулнинг йўли гул.**

* * *

**Олган унутса ҳам, берган унутмайди.**

* * *

**Манфаат мақсаддан чалғитади.**

* * *

**Кўнгли қоранинг бағри пора.**

* * *

**Ҳаёт имтиҳонидан ўтолмаган синади.**

* * *

**Таваккал учун ҳам асос керак.**

* * *

**Сабрнинг ўзи етарли эмас – ҳаракат ҳам қилиш керак.**

* * *

**Гул каби тиканнинг ҳам харидори бор.**

* * *

**Бировнинг қадрига етиш учун аввало унинг қадрини билиш керак.**

* * *

**Сабри йўқнинг бахти йўқ.**

* * *

**Бировга қилганинг ўзингга қайтади.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ** UZHYMET
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **28 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9 даража илиқ, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **28 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 341
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5